

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЬНАВИЙ, ГОЯВИЙ ЯНГИЛАНИШИДА МУҚИМИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ МЕРОСИННИГ АҲАМИЯТИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2022-23-270-282>

Мухтарова Тўтихон
ТДТУ

АННОТАЦИЯ

Мақолада Янги Ўзбекистоннинг маънавий, гоявий янгиланишида Муқимийнинг ижтимоий фалсафий мероси турли хил манбалар асосида кенг кўламда таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: Миллий гоя, маънавият, ҳажсиёт, жаҳолатпаратлик, маданият.

АННОТАЦИЯ

В статье проводится комплексный анализ социально-философского наследия Мукими в духовно-мироздренческом обновлении Нового Узбекистана на основе различных источников.

Ключевые слова: национальная идея, духовность, комедия, невежество, культуры.

ABSTRACT

The article provides a comprehensive analysis of the socio-philosophical heritage of Mukimi in the spiritual and ideological renewal of New Uzbekistan based on various sources.

Keywords: national idea, spirituality, comedy, ignorance, culture.

КИРИШ

Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда ватанпарварлик тарбияси, ҳалқимизнинг эзгу идеаллари ва олийжаноб мақсадларига садоқат ғоялари шиор даражасидагина қолиб, миллий ғоянинг жаҳон тажрибасидан ўтган умуминсоний қонуниятлари ва Ўзбекистонга ҳос замонавий тамойилларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари жорий этилмаган. Юртимиздаги янгиланиш жараёнлари ва ислоҳотларга даҳлдорлигини чуқур ҳис қиласидиган, мамлакатимизнинг энг ривожланган давлатлар қаторига киришидаги ўз ўрни ва иштирокини теран англайдиган, бу йўлда фаол фуқаролик позициясига, креатив ва инновацион тафаккурга эга

бўлган замонавий шахсларни тарбиялашнинг концептуал асослари ва амалий фаолият мезонлари ишлаб чиқилмаган. Бу эса соҳада жиддий бўшлиқ мавжудлигини яна бир маротаба исботламоқда.¹

Маънавий тарбияда ўзбек халқининг бой маънавий меросидан кенг фойдаланиш унинг таъчиричанини, самарадорлигини оширишда муҳим омил бўла олади. Ёшларимиз маънавий тарбиясида Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий Лутфий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби классик шоир ва ёзувчиларимиз асарларидан фойдаланишимиз улар қалбини, руҳий дунёсини маънавий бойитишда катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг бизга қолдирган бой бадиий-маънавий мероси ўзининг чуқур фалсафий мазмуни, ахлоқий йўналиши билан ажралиб туради.

Чор Россияси даврида Ўрта Осиёнинг қишлоқ ва шаҳарларида яшовчи меҳнаткашлар ваҳшнийларча эксплуатация қилинардилар, қулликдан эзилардилар, миллий мустамлака зулмини тортардаилар ва оқибатда аянчли, оч-ёлонғоч қул кечирмоққа мажбур бўлардилар. Солиқ ва узлуксиз кўпайиб борди. Чор амалдорлари ҳаддан ортиқ зўравонлик ва босқинчилик қилдилар. Бу ахволларнинг ҳаммаси кенг халқ оммаси орасида жуда ҳам кучли норозиликлар туғдирди, баъзан бу норозиликлар очиқ ҳужум тусини олди ва ҳатто чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатига қарши қуролли қўзғолонга ҳам айланди. Озодлик харажатининг ўсиши, синфий қарама-қаршиликлар ва синфий курашнинг ўткирлашуви тараққийпарвар тафаккур доирасини кенгайтирди, унинг вакиллари олдига янги вазифалар қўйди. Жамиятнинг моддий ҳаётнинг янги шароитлари тараққийпарвар ижтимоий тафаккур олдига янги талаблар қўйди. Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги социал ҳаётидаги муҳим масалалар халқ оммаси орасидан чиққан ва халқ билан бевосита боғланган зиёлилар, ёзувчилар ва муаллимлар ижодида ўз аксини топа бошлади.

ХХ аср охири ва XX аср бошларида тарққийпарвар ўзбек ижтимоий тафаккури ва адабиёти намояндалари орасида Муқимий энг олдинги сафда турарди. **Муқимий (тахаллуси; асл исми-шарифи Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли) (1850-1903)** – шоир ва мутафаккир. Ўзбек демократик адабиёти асосчиларидан. Отаси тошкентлик, акаси Ойшабиби хўжантлик бўлиб, Кўқонда туғилган ва яшаганлар. Машраб бошланғич маълумотни Кўқон маҳалласидаги мактабда олган. Онаси Муҳаммад Аминхўжада шеъриятга ҳавас уйғотган. Муқимий Кўқондаги Нодира бино қилдирган “Моҳлар ойим”

¹ Мирзиёев М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: 2021. 294-295 б.

мадрасасида, сўнг Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган 1876 йилда Кўқонга қайтгач, ер қурилиши маҳкамасида мирзалик қилган. XIX аср 70-йиллар охирларида Кўқонга қайтган ва ижод билан шуғулланган. Отаси вафотидан сўнг моддий аҳволи оғирлашгач, “Ҳазрат” мадрасасининг кичик бир хужрасига кўчиб ўтган (1885), бутун умри қашшоқликда кечган. Бир неча бор Тошкентга саёҳат қилган (1887-88, 1892), Тошкентда янгиликлар билан танишган. Тошкент маданий ва адабий ҳаётини чуқур ўрганган. Алмайи, Нодим каби илгор руҳдаги ижодкорлар билан алоқа боғлаб, ижодий ҳамкорлик қилган².

Амо шуни айтиш лозимки, Муқимиининг фаолияти тарих фалсафасида ҳали етарли даражада ўрганилган эмас. Муқими ижодини ўрганиш, асарларини тўрлаш ва нашр эттириш у ҳаёт давридаёқ бошланган. Дастреб Н.Остроумовнинг “Девони Муқими тўплами” (Т., 1907) нашр қилинган, сўнг 1910, 1912 йилларда “Девони Муқими ва ҳажвиёт” номи билан асарлари тўплами босилган. Шунингдек, Ҳ.Ёкубовнинг “Ўзбек демократ шоири Муқими”, -Т., 1953; Ҳ.Зарифовнинг “Муҳаммад Амин Муқими”. Т., 1955; Ғ.Каримовнинг Ўзбек адабиёти тарихи, 3-китоб, Т.; 1966, 1975, 1987; академик И.Мўминовнинг “Муқими ижоди ва унинг клерикал реакцияга қарши кураши”, Буюк сиймолар, алломалар (Марказий осиёлик машхур мутафаккирлар, донишманлар ва адиллар”) 3-китобида проф. А. Абдуғафуровнинг “Муқими”, Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1997. Ҳамда Муқими ҳаёти, ижодий фаолиятига оид айрим илмий тадқиқотлар мавжуд бўлиб, ҳозирги шароитда унинг ижтимоий -фалсафий аксиологик қарашлари ўрганилганича йўқ. Шу боисдан биз ҳам ушбу мپқолада Муқимиининг ижтимоий –фалсафий ижоди ва унинг чоризмга қарши миллий озодлик учун кураши ҳақида қисқача маълумотлар боришга ҳаракат қилдик.

Муқими Марказий Осиёда ҳали унчалик мустаҳкамланмаган янги демократик адабиёт оқимининг энг яхши, энг зўр, энг буюк вакили сифатида ўзбек халқи тарихидан ўрин олган. У ўзининг бадиий асарларида кенг омманинг кайфиятларини ифода қилди, маърифатпарвар кишилар билан бирга клерикол черков ва унинг мафкурага қарши ўзига хос усуlda дунёвий билимларни эгаллаш учун, энг яхши ҳаёт кечириш, айниқса дехқонлар аҳволини яхшилаш учун кураш олиб борди. Марказий Осиё, шу жумладан, Ўзбекистон чор Россиясининг мустамлакасига айлантирилган шароитда қалам тебратган Муқими ижоди чин маънода халқчилдир. У эзилган меҳнаткаш

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.-175-176-бетлар.

омма, бечора косибу ҳунармандлар ва хонавайрон қишлоқ дехқонларининг оташин куйчиси бўлиб майдонга чиқди.

Муқимий яшаб ижод этган давр ҳаёти мураккаб эди. Бундай муҳим Муқимий ижоди кучли таъсир кўрсатди. Ижодининг илк даврида қисман шаклбозлик унсурлари, санъатпардозлик майлларига берилиш ҳам учрайди. Лекин тезда бу хил анъаналардан воз кечиб, жамиятдаги иллатлар, эскилиқ ақидаларига танқидий назар билан қаради. Навоий, Жомий, Низомий ва Фузулийдан ўрганди, улар ғазалларига мухаммаслар боғлади. Жомийни ўзига устоз билди. Ўзбек форс мумтоз шоирлари анъаналарини давом эттириди. Ўзбек адабитида демократик йўналишининг вужудга келиши ва шаклланиши Муқимий номи билан боғлиқ. У бошлиқ Фурқат, Завқий, Аваз, Комил каби илғор фикрли шоирлари ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очдилар.

Мустамлака тузумидаги адолатсизлик ва зўравонликни, жорий тартиб – қоидаларни халқона услубда авсиз қоралаган шоир ўлкамиз истиқболига ишонч билан қаради. Муқимийнинг асарларида инсоний ишқ-муҳабbat улуғланади, иймон-эътиқод, халоллик, сахийлик, покдомонлик, элпарварлик, дўстлик, она табиат гўзалликларидан завқланиш, висол онларининг лаззатлари ва ҳижрон азоб-укубатлари ишонарли лавҳаларда жуда таъсирчан ифодаланади.

Муқимий шеърларининг туб моҳиятини инсон кечинмалари, севинч ва аламлари, истак ва армонлари, курашлари ташкил этган. Уларда дўстлик, садоқат, самимият, вафодорлик, сабот ва матонат улуғланган ва булар орқали шоир кишиларда яхши хусусиятларни тарбиялашга интилган. Адолатли ва баҳтли замонни орзу қилган, шундай кунлар келишига ишонган. (“Келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши” ва бошқалар.) Ҳасрат, шикоят, норозилик мотивлари мавжуд бўлган шеърларида ҳам келажакка ишонч, фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-идеаллари акс этган.

“Дар мардуми Оқжар батариқи мухаммас” асридан маълум бўлишича, Муқимий 1870 йилнинг охирларида Кўқоннинг ғарби-шимолидаги Сирдарё ёқасида жойлашган Оқжар паромида паттачи бўлиб ишлаган. Бу янги вазифа ҳам шоирга меҳнаткаш омма вакиллари, қишлоқ дехқонларининг турмуш шароитлари билан бевосита танишиш имконини берди. Қаттиққўл, Муттаҳам паром хўжайнлари билан келиш олмаган Муқимий XIX аср 80-йиллар бошларида Кўқонга қайтади. Оилавий ҳаётда ҳам фароғат топмаган шоир, ҳовлини ташлаб, ўша Бегвачча маҳалласида Ҳазрат мадрасаси ҳужрасига кўчиб чиқади ва умрининг охирига қадар мухтоҷлиқда, ўз таъбири билан айтганда, ўша “хужраи танг ва торликда бекаслик ва ғарифлик чироғини ёқиб” умр

ўтказади. Шу вақтдан бошлаб Муқимий бутун вақтини ижодий иш, шахсий муомалага бағишлийди, ҳуснихат ва котиблик билан шуғулланди. Зокиржон Фурқат гувоҳлигига кўра, бу йилларда Кўқонда муттасил равишда ҳаракат қилган адабий йигим-анжуман ишларига Муқимий йирик ижодкорлар Мухий, Завқий, Нисбатийлар қаторида фаол қатнашади, давр адабий ҳаракатига етакчилик қиласиди. Доимий моддий тишимовчилик, яшаш шароитининг ниҳоятда оғирлиги шоир соғлиғига путур етказади, у оғир дардларга чалинади. Шоир меросида даврдан машаққатли турмушдан, оғир тақдиру забун толедан шикоят, мунасу ҳамдард йўқлигидан нолиш оҳанглари кенг ўрин тута бошлайди³.

Муқимиининг илғор дунёқараши, фаровон ҳаёт ва озод жамият, инсоф ва адолат, баркамол инсон ва инсонийлик, иймон-эътиқод ва эрк ҳақидаги орзу-интилишлари билан мустамлака шароити, мавжуд адолатсиз тузум, зўравонлик ҳукмрон бўлган замона ўртасидаги жиддий зиддият, юксак идеал билан разил борлиқ ўртасидаги номутаносиблик Муқимий ижодида воқеаликка нисбатан кескин танқидий муносабатнинг узил-кесил шаклланишига олиб келди.

Муқимий дунёқараши ва интилишлари билан муҳим ўртасида зиддият унинг ижодида танқидий йўналишини майдонга келтирган. Бу унинг ҳажвиётида кўпроқ акс этган. Ҳажвиёти мазмунан сатира ва юморга бўлинади. Сатираларида чор амалдорлар, айрим маҳаллий бойларнинг кирдикорлари очиб ташланган (“Танобчилар” ва бошқа). “Сайлов”, “Дар мазаммати замона” ва бошқада ўлкага кириб келаётган капиталистик ва ғайриаҳлоқий муносабатлар ҳамда уларнинг оқибатлари кўрсатилган. Шоир ўзбек адабиёти тарихида ижтимоий-сиёсий ҳажвиётнинг асосчиларидан бири бўлиб майдонга чиқди. Унинг қатор ҳажвияларини шу йўналишнинг етук намуналари сирасига қўйиш мумкин. “Танобчилар”, “Воқеаи кўр Ашурбой Ҳоти”, “Московчи бой” каби ҳажвияларида мустамлака тузуми учун хос бўлган ҳаётий мавзулар-жамиятдаги ижтимоий тенгсизлик, табақаланиш, ҳукмрон адолатсизлик каби жуда жиддий масалалар таҳлил этилдики, бу Муқимий ҳажвиётининг сиёсий йўналиши ва ғоявий камолотидан гувоҳлик беради. Бу жиҳатдан Ашурбой Ҳожининг оғир жинояти ҳақидаги ҳажвиядан шоирнинг жиддий сиёсий умумлаштирувчи хулосаси диққатга сазовор:

Ҳақорат қилинган кишилар қолиб,
Топаб бой сўзи мунда зўр эътибор.
Қачон камбағалнинг сўзи ўтар?

³ Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёлик машҳур мутафаккирлар, донишмандлар ва адиллар).-3-китоб.-Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашри., 1997.-96-97-бетлар.

Агар бўлса ақчанг-сўзинг зулфиқор.

Бу кескин мисралар ҳукмон адолатсиз тузумга берилган қатъий айнома каби жаранглайди. Жабрланувчи оддий дехқон тилидан ёзилган “Танобчилар” ҳажвиясида эса мавжуд тузумдаги ижтимоий адолатсизлик, чор маъмурлар ва маҳаллий амалдорларнинг ўзбошимчаликлари ва зўравонликлари, мустамлака шароитида солик солиш ва ундириб олиш каби ҳаётий лавҳаларда тарихан ҳаққоний тасвириланган.

Буржуа сайлов тизимининг фош этилиши каби соф ижтимоий-фалсафий мазмунини ҳам Муқимий биринчи бўлиб, адабиётимиз тарихига олиб кирди. Бугина эмас, масаланинг чукур англаган шоир унинг биринчи ҳажвий таҳлилини берди, мустамлакачи чор маъмурлари назорати остида ўтадиган “сайлов”ларнинг батамом қалбаки эканлигини очиб ташлади. Муқимийнинг “Сайлов” ҳажвияси адабиётимизда бу мавзунинг кейинчалик янада чукур ва кескин танқидий рухда ишланишига мустаҳкам замин бўлди. Баъзан, ўша даврдаги ҳукмон қарашларга эргашиб, Дукчи эшон ҳақида ҳам ҳажвий асарлар ёзган (“Ҳажви ҳалифаи Мингтепа”).

От, арава, лой, пашша, безгак каби мавзуларда 30 га яқин ҳажвий асар яратган. Уларда Муқимий турмушнинг қолоқ ва чиркин томонлари, ижтимоий онгдаги нуқсонлар устидан кулган, мустамлакачилик азоби, харобаликни заҳархандалик билан тасвирилаган. “Девонамен”, “Кўсамен”, “Ҳайрон қилди лой”, “Пашшалар”, “Шикояти безар” ва бошқада бир қатор ҳажвиялар идд жамият ҳаётидаги ўзгаришларга янгича муносабат акс этган (“Таърифчи печ”, “Ароба қурсин”, “Лой” ва бошқа).

Муқимий дунёвий ҳаётни тан олди, аскетизм(юнон. Бирон нарса билан машғул бўлиш)ни инкор этди. У майший бузуқчиларки қоралади, хунарни, дунёвий билимларни ўрганишга даъват қилди, жаҳолатпараст муллалар, “авлиёлар”ни танқид қилди, бебошликка, зўравонликка, зулмга қарши қаттиқ норозилик билдириди. Шу билан бир вақтда Муқимий меҳнаткаш олмани ўз золимларига қарши актив курашга очиқдан –очиқ чақирмади, қонжўр бойларни, шавфатсиз мустамлакачи амалдорлар ва халққа душман бўлган руҳонийларни фош қилиш билангина чегараланди. Унинг қарашлари нақадар танқидий бўлишига қарамай, мушоҳада характеристида бўлиб, либерал гоялар билан бирмунча суғорилган эди. Демак, ўзига хос фалсафий, тарихий шарт-шароитлар туфайли, ўша вақтларда ўзбек дехқонлари ва шаҳар камбағаллари ижтимоий асосининг бўшлиғи сабабли Муқимий демократ даражасигача кўтарила олмади.

Н.Остроумов Кўқонда бўлган вақтдаги ўзбек ҳофизларининг қўшиқларини эшитган ва бу ҳақдаги ўз таассуротларини қўйидагича баён этган: “Бу учта ашулачи бир қанча ашуулалар айтишди, шу жумладан, “Викторбой” деган сатирик ашулани ҳам айтишди. Ашулачилар қўлларига патнус олиб, жуда ҳам завқланиб тўр қилишди, кўчалардаги тўда-тўда одамлар мароқ билан тинглагди”⁴.

Юқоридаги ахборот шундан далолат берадики, Муқимий XIX асрнинг 90-йилларидаёқ сатирик шоир сифатида оддий кишилар орасида машхур бўлган.

Муқимий сатираси камбағаллар устидан зулм ўтказиш ва ўғирлик йўли билан ортирадиган мулқдор синфларнинг иккисизламачиликни, макрҳийласини ва очкўзлигини моҳирона фош қилиб беради. “Туркистон вилоятининг зазети” 1891 йил 26 октябрдаги 41-сонида Муқимийнинг “Навбаҳор” шеъри босилди. Муқимийнинг бу шеъри, унинг бошқа шеърлари каби, қувнок рух ва янги фикрлар билан тўла.

1893 йилда Муқимийнинг биринчи қўллэзма “Баёзи” чиқди. Бунда унинг лирик шеърлари ва ўзидан илгари ўтган Навоий, Жомий, Бедил ва бошқа шоирларнинг ғазалларига бағищланган мухаммаслари киритилган⁵.

Муқимий ўзбек адабиётига ишчилар мавзусини олиб кирди, типлар галереяини яратди. Унинг “Танобчилар”, “Московчи” бой таърифида”, “Воқеаи Виктор”, “Тўй”, “Баччағар” ва “Саёҳатнома” шеърлари чукур тахлил қилинган. Турли шаҳар ва қишлоқларга қилган саёҳатлари таассуротлари асосида 4 қисмли “Саёҳатнома” асари енгил, ўйнақи вазнда ёзилган, 4 мисрали бандлардан ташкил топган. Унда халқ турмушининг охирлиги, қишлоқларнинг вайроналиги реалистик тасвирланган. Шоир яхшиликни маъқуллаб, гўзалликни мадҳ этган, камчиликлар устидан кулиб, танбех берган, ёвузликни, турли иллатларни танқид қилган. Муқимийнинг наср ва назмдаги мактублари эписталяр (билимнинг воқеликка бўлган муносабати) адабиёт намунаси ҳисобланади. Муқимийнинг 10 шеърий, 20 га яқин насрий мактублари сақланган. Шеърлари қўллэзмалар, баёзлар XX аср бошларида литографияда нашр қилинган китоблар, Тошкент ва Петербургда босилган вақтли матбуот сахифаларида бизгача етиб келган.

Муқимий фаолиятини ва ижодининг ривожланиши йўлини икки даврга бўлиш мумкин:

⁴ Мўминов И. Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан. XIX аср охирлари ва XX асрнинг бошлари. Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960.-194-195-бетлар.

⁵ Муқимий, “Муқимий баёзи”, Кўқондаги Муқимий музейида сақланади.

1.1866- 1867 йиллардан тог 1880 йилларгача, яъни унинг Бухородан қайтишигача бўлган давр.

2.1880-1882 иллардан 1903 йилгача, яъни Кўқонда адабий тўгарак ташкил қилинганидан кейин то шоир вафот этгангача бўлган давр.

Муқимий ижодининг **биринчи даврида** ўзбек ва форс-тожик адабиёти классиклари бўлган Лутфий, Навоий, Саъдий, Жомий ва Бедил асарларини ўрганди. Шулар билан бир қаторда, Муқимий тарих, фольклор юзасидан бой материаллар ўқиди ва тўплади. Машрабнинг бадиий асарларини, Фарғоний асарларини қизиқиб ўқиди. Ана шу даврларда у Навоий, Жомий, Бедил сингари шоирларнинг ғазалларига муҳаммаслар ҳам ёзди.

Шуни айтиб ўтмоқ лозимки, жўшқин ҳаёт эгаси Муқимий Яссавий, яссавизм изидан, мистика йўлидан бормади, балки реализм йўлидан, адабиётнинг дунёвий мазмунини тан олиш ва уни тасдиқлаш йўлидан борди, дунёвий билимларни ўрганишга ва севган поэзиясини улуғлашга даъват қилди. Унинг шу пайтларда ёзган энг яхши шеърлари мазмундор, оромбахш бўлиб, ёрқин порлаб туради.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, ўз ижодининг ана шу биринчи даврида Муқимий ўзбек адабиётининг анъаналари изида маҳкам турарди. У ўша вақтларда кўпроқ лирик шеърлар ёзган эди. Тўгри, унинг муҳаббати сўфийликпоэзиясининг муҳаббатидан, абстракт, реал ҳаётдан узилган, илоҳийлаштирилган муҳаббатдан бутунлай фарқ қилас, унга ўхшамас эди. Муқимий лирикаси ўша вақтларда ҳам табиат гўзалликларини, ер юзидағи ҳаётнинг реал ҳодисаларини, кишиларнинг энг яхши фазилатларини ифодалашдан иборат эди. Муқимий халқ орасидан чиққан ва меҳнаткаш халқ билан боғланган шоир бўлиб, ўша вақтлардаёқ унинг ижодида демократик майллар кўрина бошлади.

Муқимий ижодий йўлининг **иккинчи даврида** ўз асарларида демократик майлларни тўла ифода эта бошлади. Энди у адабиёт соҳасида демократ шоир сифатида намоён бўлди.

Дехқонлар оммаси ва шаҳар камбағалларининг XIX асрнинг 80-90-йилларидағи ҳаракати, буржуа муносабатлари ўрнатилиши натижасида миллионлаб дехқон оммасининг хонавайрон бўлиши халқ шоири Муқимийнинг ижодий йўлига, унинг ўсишига таъсир этмасдан қолмади. Муқимий ижодий йўлига, унинг ўсишига таъсир этмасдан қолмади. Муқимий ана шу вақтларда рус тили, рус адабиёти билан қизиқади, Пушкин, Лермонтов, Некрасовларнинг ўзбек тилига таржима қилинган асарларини ўрганади ва амалдорлар ҳамда

бойларнинг алдамчиликлариға, фирибгарликлариға қарши, реакцион руҳонийларнинг сурбетлигига қарши танқид байроғини баланд кўтара олган, омманинг кайфиятларини акс эттирган жўшқин ватанпарвар шоир сифатида шпккланди. Худди ўша даврларда Муқимийнинг юксак даражадаги сатирик ва юмористик асарлари майдонга келди; бу асарлар ўзбек адабиёнинг янги жанрлар билан бойитди, ўзбек ижтимоий тафаккуридаги янги танқидий оқимни юксалтиришга, кучайтиришга хизмат қилди.

Муқимий Ўзбекистонда у замонда мавжуд бўлган тараққийпарвар ёзувчиларнинг ҳаммасига қараганда ҳам энг изчил, танқидчи, чоризмни дадил фош қилувчи ёзувчи бўлгани ҳолда, у ўз ватанини мустамлакачилик қуллигидан, ўрта асрчилик турғунлигидан, очкўз золимлар ҳукмронлигидан озод қилишнинг чинакам йўлини тушуниб етмади. Унинг дунёқарашидаги чекланганлик худди шундан келиб чиқди. Бу чекланганлик эса, мустамлака Марказий Осиёда мавжуд бўлган ижтимоий гуруҳлар ва тарихий шароит таъсирида юз берди. Муқимий ижодидаги ички зиддиятларни шу билан изоҳлаш мумкинки, унинг ижодида муҳтож кишиларнинг ғазаб кучи ва уюшмаган дехқонлар оммасининг кучсизлиги гавдаланарди.

Муқимий ва унинг фикрдошларининг хизматлари шундан иборатки, уларadolatnинг ҳамда қудратли инсон ахлининг тантанаси учун зулмга қарши, схоластикага қарши, мистика ва аскетизмга қарши танқид байроғини кўтариб чиқдилар. Муқимий ва Фурқат зулмга, жаҳолатпарастликка қарши қаттиқ норозилик билдирилар. Янги, тараққийпарвар адабиёт учун жон-жаҳдлари билан курашдилар. Уларнинг фаолияти туфайли Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий тафаккур янада ривож топди ва маълум юксакликка кўтарилди. Ҳамда Ҳакимзода Ниёзий, садриддин Айний каби ўткир мутафаккирлар эса ўз ижодларини Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимийлар эришган ана шу юксакликдан давом эттирилар.

Дехқондар оммаси ва шаҳар камбағаллари билан мустаҳкам алоқада бўлган Муқимий ўзбек адабиёти ва ижтимоий тафаккурининг ривожланиш шароитида сатирик, танқидчи сифатида катта роль ўйнади. Шу ижтимоий фактор нуқтаи назаридан қараб, Муқимий ижодидаги қарама-қарши характер ва хусусиятларни тўғри аниқлаш ва англаш мумкин.

Муқимий ва Фурқатнинг тарихий хизматлари шундан иборатки, улар ўзбек ижтимоий тафаккури ва адабиётидаги консерватив ва реакцион кучларга қарши кураш олиб бориб, реализмни олға суриб, унда янгиликларни

ифодаловчи ҳаётбахш бадиий асарлар яратдилар, бу янгиликларни сақлаш ва ривожлантириш учун ҳаракат қилдилар.

Муқимий шеърлари бадиий жиҳатдан пухта ишланган ва тушунарлидир. У бекорчи сўзларни ишлатишга, маънога эътиборсиз қарашга, ёлғиз ташқи буёқлар беришга ниҳоятда қарши турарди. Муқимий ғоявий йўналиши тӯғри ва маънавий жиҳатдан чукур бўлиш бадиий асарнинг асосий талаби, деб биларди. Муқимийнинг фикрича, чинакам сўз санъаткори чинакам дехқонга ўхшамоғи керак. Дехқон эса тер тўкиб меҳнат қилиш билан бирга мамлакатга, халқقا фойда келтиради, сохта шоир эса худди қишлоқдаги фойдасиз уруғ сепувчи фаҳмсиз одамга ўхшайди, шоирлик мансабини сустеъмол қилиб, халқ учун қимматли, фойдали ҳеч нарса яратмайди. Шундан кўриниб турибиди, Муқимий фикрича, шоир турмушни бузмасдан ифода қилиши керак, халқقا турмушни ҳаққоний ва тушунарли, аммо юксак бадиий шаклда тасвирлаб беришни ўзининг бурчи деб билиши шарт. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ўзбек адабиётидаги реализмнинг йирик намояндаси, халқнинг севимли шоири Муқимий ўзининг лирик шеърларини ер юзидағи ҳаётни куйлашга бағишилади. “Навбаҳор” шеърида у бундай дейди:

Навбаҳор очилди гуллар, сабзи бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик келинглар, жўоралар ўртоқлар⁶.

Муқимий табиатни, баҳорни, севгини, ҳаёт наъласини улуғлайди ва иккинчи томондан, Шарқ поэзиясини истиорасидан фойдаланиб, ўз замонасидаги меҳнат аҳлининг оҳир мусибатини кўрсатади. Муқимийнинг ижоди, фикрлари, қарашлари, орзу-хаёллари ва интилишлари ўз замонасидаги ижтимоий шароитлар маҳсулидир. Яна бир жиҳатдан эса, у шубҳасиз, ўзи яшаган даврдан илгариги ўзбек, форс-тожик адабиёти ва ижтимоий тафаккурининг энг яхши традициялари меросхўридир.

Муқимий Марказий Осиё тарихи, ўзбек ва форс-тожик адабиёти тарихи соҳасидаги билимларнинг ҳамма бобларидан атрофлича хабардор бўлган яуқур билимли киши, донишманд эди. Муқимий ўз халқининг келажагини кўра олишга ҳамма воситалар орқали интиларди. Муқимий асарларида эксплуатациянинг феодал шаклларигагина қарши эмас, шу билан бирга, вужудга келаётган буржуазиянинг зулмига ҳам қарши меҳнаткашлар норозилиги кайфияти мужассамлашган эди. Муқимий яшаган ва ижод қилган даврда Ўзбекистоннинг моддий ҳаёти шароитида ўзгаришлар юз берди, илгари номаълум бўлган янги ижтимоий муносабатлар ўрнатила борди. Буларнинг

⁶ Муқимий . Танланган асарлар. 1958. -170-бет.

ҳаммаси Муқимий ижодида у ёки бу хилда ўз ифодасини топдики, Муқимийдан илгари яшаган ўзбек адабиётидаги тараққийпарвар оқим ёзувчилари ижодида бу ҳол бўлиши мумкин эмас эди.

XIX аср охирлари ва XX аср бошлари миллий адабиётимизда юмористик йўналишнинг ривожланишида ҳам Муқимийнинг ижодий фаолияти жуда катта бўлди. Шоир қўлида кулги қўпол қаҳқаҳа ёки шунчаки хушчақчақлик, бачкана мутойиба эмас, балки ҳаётдаги қалоқ тараққиётга тўсиқ ғовларни, шахслар онги ва табиатидаги ожизлик ва салбий белгиларни, хунук фель-автор ва ўринсиз хатти-ҳаракатларни қоралаш, танбех бериш, огоҳлантириш вазифасини ўтаган. Шайхларнинг бебошлиги, тамагирлиги, рухонийларнинг макр ва ҳийлалари, муллаларнинг эзилган меҳнаткаш ҳалқни талаши ва зулми кенг ахоли табақаларининг қаҳр-ғазабини қўзғатмай қоломайди. Оддий ҳалқнинг: Қиши келди деб қувонманг, аёзлари бордир, пирми-эшон келди деб қувонманг, ниёzlари бордир, деган ҳикматли сўзи бежиз эмас.

Муқимий ўз асарларида бой ва камбағал деган сўзларни ишлатади. Унинг нуқтаи назарича, жамиятнинг барча мулқдор табақалари (XIX аср охирлари XX аср бошларида) – текинхўрлар – “бойлар” гуруҳидан иборат бўлиб, барча меҳнат аҳллари: меҳнаткаш деҳқонлар, хунармандлар, мардикорлар ва шулар билан алоқада бўлган зиёлилар – “камбағаллар” деган умумий термин остида меҳнат қилувчи ходимларни ташкил қиласди. Ўша вақтда Муқимийда бу хилдаги тушунчаларнинг пайдо бўлиши, шубҳасиз, тасодифий ҳол бўлмай, бевосита қонуний воқеадир. Тўғри, ҳозирги XIX аср бошларида Ўзбекистонда ҳам қисман камбағаллик мавжуд. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ижтимоий соҳадаги устувор вазифалар хусусида тўхталган эди. “Биринчи навбатда ахоли фаровонлигини ошириш, турли ҳисобларга кўра аҳолининг 12-15 фоизи даромадсиз. Бу дегани 4-5 миллион вакилини камбағалликни камайтириш дастурини ишлаб чиқиш зарур. Биз янги иш ўринларини яратган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, елкамизга кўтаришимиз зарур”⁷, деган эди. Давлатимиз раҳбари 2020 йил 3 июнь куни камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Ҳалқ сўзи”, 2020 йил 24 январь.

“Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига 2020 йил 1 октябрининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилди”⁸.

ХУЛОСА

Умуман, хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ўзбек адабиёти ва ижтимоий тафаккури тарихида Муқимийнинг хизматлари ниҳоятда каттадир. Унинг етук асарлари ўзбек ҳалқининг ўтмишдаги маънавий ҳаётининг ривожланишида янги давр очди. Муқимийнинг энг яхши асарлари жозибали, нафис, гўзал, сермазмун бўлиб, ўз севган ҳалқи ва ватани учун доим қайғурган ватанпарвар шоирнинг тараққийпарвар ғоялари инъикосидир. 1905 йил инқилоби даврида ва ҳажвий асарларига, тараққийпарвар фикрларига эргашувчилар – ҳалқ бахшилари ва ёзувчилари пайдо бўлди. Буюк Муқимий меҳнаткаш ҳалқнинг шоири сифатида юксак қадрланди. Ўзбекистон пойтахти – Тошкентдаги энг яхши театрлардан бири унинг номига қўйилди. Унинг йирик асарлари ҳамма республикаларда, ўрта ва олий ўқув юртларида ўрганилмоқда. Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри 1939 йил 30 ноябрда комик актёр М. Мироқилов ташабbusi билан Республика комедия ва сатирия театри сифатида ташкил этилиб, фаолиятини “Биринчи қозилар ёки Майсарапанинг иши” спектакли билан бошлаган. 1972 йиллардан Ўзбек давлат мусиқий театрига айлантирилди. Мустақиллик йилларида театр илк бор реконструкция қилинди. Инсоннинг диди ва дунёқарашини шакллантиришда театрнинг ўрни бекиёс. Шу боисдан ҳам Президентимизнинг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармонида театрлар фаолияти ҳам қўллаб кувватланмоқда. 15 апрель санасининг “Ўзбекистон Республикаси маданият ва санъат ходимлари куни” деб эълон қилиниши эса соҳада фаолият юритаётган ҳар бир инсонга чексиз ғуур багишлашга ишончимиз комил. Ҳозирги кунда мамлакатимиз бўйича 4748 та археология, 2250 та архитектура, 678 та монументал санъат ёдгорлиги, 532 та дикқатга сазовор жойлар моддий маданий мероснинг кўчмас мулк обьектлари миллий рўйхатига киритилган⁹.

REFERENCES

1. Мирзиёев М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Т.: 2021. 294-295 б.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 2020 йил 3 июнь куни камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектори: Истемол савтчасининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилади // “Ҳалқ сўзи”, 2020 йил 4 июнь.

⁹ Назарбеков О. Маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни янада ошади // “Ҳалқ сўзи”, 2020 йил 29 май.

2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 6-жилд. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003.-175-176-бетлар.
3. Буюк сиймолар, алломалар: (Марказий Осиёлик машҳур мутафаккирлар, донишмандлар ва адиблар).-3-китоб. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашри., 1997.-96-97-бетлар.
4. Мўминов И. Ўзбекистонда ижтимоий фалсафий тафаккурнинг ривожланиш тарихидан. XIX аср охирлари ва XX асрнинг бошлари. Т.: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960.-194-195-бетлар.
5. Муқимий, “Муқимий баёзи”, Кўқондаги Муқимий музейида сакланади.
6. Муқимий. Танланган асарлар. 1958. -170-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “Халқ сўзи”, 2020 йил 24 январь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2020 йил 3 июнь куни камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича видеоселектори: Истеъмол савтчасининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилади // “Халқ сўзи”, 2020 йил 4 июнь.
9. Назарбеков О. Маданият ва санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни янада ошади // “Халқ сўзи”, 2020 йил 29 май.
10. Saifnazarov, I., Muhtarov, A., Sultonov, T., Tolibov, A. (2020) Religious tolerance, unity of knowledge and faith issues highlighting in Imam Bukhari Hadiths. International Journal of Advanced Science and Technology 29 (5), pp. 1846-1853.
11. Muxtarov, A. (2020). Психологиянинг XXI асрдаги ривожи. Архив научных исследований.
12. Safarov, M.K., Umarjonov, S.S. (2021). Abu Bakr ar-Roziy etikasida befoyda o’y surish va ochko’zlik muhokamasi. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(5), 1045-1049.
13. Muxtarov, A. (2020). Демократия ва фуқаролик жамияти . Архив научных исследований.
14. Muxtarov, A. (2020). IMAM BUKHARI-THE GREAT HADITH EXPERT Архив научных исследований.
15. Muxtarov, A. (2020). Фалсафанинг долзарб муаммолари. Архив научных исследований.
16. Muxtarov, A. Олий таълимда замонавий инновациялар. Архив научных исследований.
17. Muxtarov, A. (2020). Фуқаролик жамияти ва толерантлик. Архив научных исследований.